

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент давлат шарқшунослик институти

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 892.7 - 023

С - 21

САЙДУМАРОВ МУРТАЗО ГОЗИЕВИЧ

**ҲАРИРИЙ МАҚОМАЛАРИ ЎРТА АСР АРАБ САЖЪИ  
ЁДГОРАЛИГИ СИФАТИДА**

10.01.06 - Хорижий Осиё ва Африка

халқлари адабиёти

Филология фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун ёзилган диссертация

**АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 1995

Тадқиқот Тошкент давлат шарқшунослик институти "Арабийзабон маданий ёдгорликларни ўрганиш" илмий-тадқиқот гуруҳида бажарилди.

Илмий раҳбар -

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси,  
филология фанлари доктори, профессор Неъматулло Иброҳимов

Расмий оппонентлар -

филология фанлари доктори Саидбек Ҳасанов  
филология фанлари номзоди, доцент Муборак Тошқўзиёва

Ётақчи муассаса - ЎзР ФА Шарқшунослик институти

Ҳимоя *"16 март"* 1995 й. соат *"11<sup>00</sup>"* да


Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Д 067.70.21-  
рақамли докторлик илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимояси  
бўйича ихтисослашган илмий кенгаш йиғилишида ўтказилади.

/700060, Тошкент шаҳри, Лоҳутий кўчаси, 25-уй/

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институти  
кутубхонаси /700060, Тошкент шаҳри, Лоҳутий кўчаси, 25-уй/да  
танишиш мумкин.

Автореферат 1995 йил *"15 феврал"* да жўнатилди.

Ихтисослашган илмий кенгаш  
котиби, филология фанлари  
доктори



Т.Мухторов

## ТАДҚИҚОТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. X-XI асрларга келиб араб адабиётида сажъ - қофияли наср асосий шакллардан бири бўлиб қолади. Бироқ бу адабий шаклнинг тузилиши принциплари, унинг структураси махсус тадқиқот мавзуси бўлмади. Шу нуқтаи назардан сажъда битилган, классик намуна сифатида умумэътирофга сазовор бўлган ёдгорлик асар - Абу Муҳаммад ал-Қосим ибн Али ал-Ҳаририй ал-Басрий (1054-1122)нинг мақомалари материали асосида махсус изланиш олиб боришни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Мақомалар араб адабиётининг олтин даври - X асрда араб насри ва араб назми ўз ривожланишининг энг юқори поғонасига кўтарилган даврда, назм ва наср ўртасидаги ўзига хос синтезнинг қонуний натижаси ўлароқ яратилди. Мақомалар доимо "олий адабиётнинг" намунали асари деб ҳисобланиб, араб назмининг энг аъло намуналарини ўзига сингдириб, юқори поэтика, муқояса ва муболага, истиора, мукаммал қофия ва маъқул ўлчамдаги ритм билан кўзга ташланади.

Мақомалар ўрта аср араб насри ҳақида маълум ва маъруф бўлганидан бирмунча фарқ қилувчи ўзига хос жанрдир. X-XII асрларни умуман араб адабиётининг, хусусан араб насрининг ривожланишидаги "босқичлар" даври деб аташ жоиз бўлса, мақома жанри ана шу ўрта аср араб адабиётининг "шаҳар" босқичи"га хос энг характерли жанрлардан бирига айланди.

Мақома жанри араб бадий сўз санъатининг шундай бир босқичидан иборат бўлиб, бунда араб тилининг бой сўз захираси ўзининг ҳар томонлама ифодасини топди. Мақомалар юксак бадий услуб ва нафис безатилган тилга эга бўлиб, муаллиф яшаб ижод этган давр жамиятига мансуб бўлган қуйи табақаларнинг турмуш тарзини ҳаққоний очиб бериб, реал воқеликни акс эттирди.

Мақомалар жанрининг хусусияти яна шундан ҳам иборатки, у оддий ҳар кунлик мавзуларни юқори савиядаги бадий сўз билан ифода эта олди.

Ушбу илмий ишимизнинг асосий мақсади мақомалар поэтикаси, уларда сажъ тузилиши принциплари ва мақомаларнинг араб адабиётидаги сажънинг тараққиётида тутган ўрнини тадқиқ этишдир. Бу мақсадга эришиш учун қуйидагиларни тадқиқотимизнинг вазифалари қилиб белгилаб олдик:

- мақомалар услубий хусусиятларини таҳлил этиш;

Дайфнинг "Араб насри санъати", А.М. Муртаднинг "Араб адабиётида мақомалар" китоблари ушбу йўналишдаги қизиқарли тадқиқотлардир.

- Мақома жанрининг монографик тадқиқотларида араб ва хорижий олимлар бу жанрининг услуби, асосий хусусиятлари, мақомалар қаҳрамонлари масалаларини кўриб чиқдилар ва мазкур жанр яратилишидаги шумлик элементининг алоҳида таъсирини таъкидладилар. Бунда А.Н.Талиматнинг "Тиламчилар - араб адабиётида мақомалар қаҳрамони", Ж.Монроунинг "Бади-уз-Замон ал-Ҳамадоний ижоди ва шумлик новеллалари жанри" каби асарларини келтириш мумкин.

- Ҳаририй мақомаларининг бошқа тилларга қилинган таржималарини алоҳида таъкидлаш жоизки, таржима моҳиятан у ёки бу муаллиф ижодини ўрганишнинг энг юқори поғонасидир. XIX асрда Ҳаририй мақомалари фарс (С.де Саси - француз, Рюккерт - немис, Престон, Т.Ченери, Штейнгасс - инглиз) тилларига таржима қилинган эди. Ҳаририй мақомаларининг рус тилига таржима (В.М.Борисов, А.А.Долинина, В.Ч.Кирпиченко)<sup>1</sup> қилиниши совет даври арабшунослигининг катта ютуғи бўлиб, бунда мақомалар хусусиятларини сақлаб қолишга, аслиятдаги наср қофияланишини ифодалашга уриниб кўрилган.

Мақома жанрини ўрганишга кўплаб тадқиқотлар бағишланган бўлишига ҳамда мақомаларнинг қофияли наср - сажъ тараққиётидаги тутган муҳим ўрнига қарамай, сажъ етарли даражада ўрганилмай келинди.

Диссертациянинг биринчи боби "Мақома жанри ва Ҳаририй мақомалари" ҳақида бўлиб, бунда араб адабиётидаги мақома жанри хусусиятлари, Ҳаририй мақомалари, уларнинг композицияси ва сюжетлари, мавзулари, қаҳрамонлари ва бошқа персонажлари кўриб чиқилади.

"Мақома" сўзи араб тилида энг қадимий даврдан буён мавжуд бўлиб, у "туриш жойи", "тўпланиш, йигилиш жойи" деган маънони билдиради. Дастлаб қабилаларнинг йигилиши, кейинчалик эса бу йигилишларда олиб бориладиган суҳбатлар шу сўз билан атала бошланди. Кўчманчи бадавий муҳитидаги гулхан атрофида бўлиб ўтадиган кечки суҳбат одати кейинчалик ўтроқ турмушга ўрганган аҳоли ҳамда сарой аҳли ҳаётига ҳам кириб борди. Қабилалар ўртасидаги тўқнашувлар, машҳур кишилар, қаҳрамонлар жасоратлари ҳақида ҳикоя қилинадиган бу гурунгларнинг мавзу доираси

<sup>1</sup> Аль-Харири, Абу Мухаммед аль-Касим. "Мақамы" М. Наука. 1987 г.

арабларнинг дунё тарихидаги мавқеи ортиши ва бошқа халқларнинг маданий ютуқлари билан танишиши орқали кенгая борди.

Халифалар ҳузуридаги ана шундай суҳбатларнинг иштирокчилари юқори маълумотли бўлганликларидан улар турфа ҳангомаю латифалар ҳикоя қилибгина қолмай, тил ва адабиёт, дин ва ахлоқ мавзуларида баҳс-мунозара ҳам уюштирар эдилар. Чуқур билим, сўзга чечанлик, ўткир зеҳнлилик, ҳозиржавоблик юксак шараф бўлганлиги боис фақир, лекин билимдон одамлар мана шу фазилатлари орқали кун кечириш учун бирор нарса касб этиб, "амир ал-мўъминин" ҳузурида ва унга тақлид қилувчи майда феодал ҳокимларнинг сояи давлатларида паноҳ топишлари мумкин эди. Мақома жанри машҳур араб адиби Ҳаририй ижодида ривож топди. Ҳаририй мақомаларнинг бош қаҳрамони - Абу Зайд ас-Саружий (саружлик; Саруж - Икки дарё оралигининг шимолидаги шаҳар ) илми, абжир ва айни пайтда қашшоқ дайди сифатида тасвирланади. Улардаги воқеалар сайёҳ савдогар ал-Ҳорис ибн Ҳаммом тилидан ҳикоя этилади, у бир шаҳардан иккинчи шаҳарга сафар қилар экан, қаҳрамоннинг навбатдаги қилмишига шоҳид бўлади. Абу Зайд ҳар сафар турли қиёфада, турли хил касбда пайдо бўлиб, адабий сўзга усталиги ва шоирона маҳорати билан одамларни ўзига мафтун этади. У ўз мақсадига эришиш учун айёрликдан, ҳатто ёлгончиликдан ҳам қайтмайди, йўлида учраганларни ўз тузогига туширишга ҳаракат қилади. Ал-Ҳорис унинг қилмишларини қораласа-да, лекин кўнгли унга мойил бўлиб қолади. Абу Зайд шўхлик ва яхшилиқни, андишасизлик ва олийжанобликни мужассамлаштирувчи, соддадил, қув образдир. Унинг табиатида Хўжа Насриддин ҳақидаги ҳикояларнинг шаклланишига маълум даражада таъсир кўрсатган араб халқ латифаларининг қаҳрамони Жуҳо характерига хос хусусиятларни учратиш мумкин. Унинг мақсади - "бор йўги ёғли нонга эга бўлса-ю, тўну чопон совга олса, у шаҳардан бу шаҳарга сафар қилишга ёнида ҳамён бўлса". Абу Зайд ўзининг мустақил ҳаётини жуда қадрлайди. Мароғ амири уни саройга юқори лавозимга таклиф қилганда, Абу Зайд

Саргардон ҳаётим қашшоқ, беватан,

Афзалдир менинг-чун озод руҳ ва тан, -

дея, бу тақлифни рад этади.

Адабиёт ва маданият муаррихи мақомаларда Халифаликнинг таназзули даврининг тарихини тушуниш учун ҳам муҳим манбаъ топиши мумкин. Бу ҳақда мақома билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлганлар доираси ҳам далолат беради. Улар орасида нафақат жанр классиклари, тўпламлар муаллифлари, - Абу Дулаф, Ибн Дурайд, ал-

Ҳамадоний, Ҳаририй, аз-Замахшарий, ас-Суйутий, ал-Мувайлихий, ал-Язижийларни аташ мумкин. Мақома жанрида ал-Жоҳиз, Ибн Кутайба, Абд Раббихи, ал-Абшихий, ал-Хуслийлар ҳам қалам тебратган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ҳаририй мақомалари унинг замондоши бўлган ҳамюртимиз машҳур аллома Маҳмуд Абу-л-Қосим аз-Замахшарий (1074-1143) ижодига ҳам салмоқли таъсир кўрсатган. У кейинчалик анъанага айланган ал-Ҳамадоний ва Ҳаририй асарларидан фарқли ўлароқ бу жанрга янги йўналиш берди. Аз-Замахшарий мақомалари илмий қадриятга ҳам эгаки, улар ўрта аср тарихи, ислом қонунчилиги ва тилшунослик каби бошқа соҳаларда жиддий манбаъ вазифасини ўтайди.

Ҳаририй мақомаларини композиция ва сюжет жиҳатидан таҳлил қиладиган бўлсак, тўпламдаги барча эллик мақоманинг сюжетларини умумий равишда қуйидаги схемада баён этиш мумкин:

#### 1. Экспозиция;

- а) сафар, саёҳат,
- б) муҳитни тавсифлаш, ровий ҳолатини баён этиш,
- в) жамоани тавсифлаш ва саёҳатни ҳикоя этишни бириктириш;
- г) мустақил сюжет.

#### 2. Бош қаҳрамоннинг пайдо бўлиши;

- а) қаҳрамон оломон ўртасида пайдо бўлиши ва унинг нутқи,
- б) ровий ҳузурда пайдо бўлиши,
- в) ровий билан шаҳарда учрашув,
- г) ровий билан йўлда учрашув,
- д) ровий билан қози ёки валий уйида учрашув,
- е) қаҳрамоннинг ровий билан бирга саёҳати.

#### 3. Бош қаҳрамоннинг нутқи (хутба, маъруза, суҳбат, баҳс ва ҳ.к.).

#### 4. Қаҳрамон мукофот, совға, хайр-эҳсон олади.

#### 5. Ровий бош қаҳрамонни таниб қолади.

#### 6. Қаҳрамоннинг кетиши.

#### 7. Ровий қаҳрамоннинг ортидан боради. (Шумлик мақомаларидаги суҳбатда ровий бош қаҳрамонни айблайди, қаҳрамон эса ўз қилмишини оқлайди.)

#### 8. Ровий ва қаҳрамон бир-бирларини тарк этадилар.

Композиция жиҳатидан барча мақомалар муайян қолипга эга. Экспозициядан аввал бошловчи ибора келади: "Ҳаддаса ал-Ҳарис ибн Ҳаммам ва қала..." - "Ал-Ҳорис ибн Ҳаммом ҳикоя қилади..." Бу жумла вақти-вақти билан матнда такрорланиб келади.

Аксариyat мақомаларнинг сюжети юқоридаги ехемада тузилган бўлиб, баъзилари бир-биридан унча сезиларли бўлмаган даражада фарқ қилади.

Мақомалар мавзу доираси хилма-хил бўлиб, халифаликнинг X-XII асрлардаги ҳаётининг тарихий жараёнидан келиб чиқиб белгиланади, у муаллиф яшаб, ижод этган даврни акс эттиради. Уларда ижтимоий эҳдиёт, фақирлик ва тиламчилик, айёрлик ва алдамчилик кенг ўрин олиши билан бир қаторда фойдали ва ахлоқий таълимотлар - фаний дунёнинг ўткинчилиги, инсон фаровонлигининг доимий эмаслиги, дўстликка садоқат, оила ва никоҳнинг фойдаси, яқин кишиларга ёрдам, хайрли ишлар қилиш ва бошқалар ёритилади.

Араб адабиётида мақома жанри Ҳаририйдан кейин ҳам кенг тарқалган бўлса-да, бироқ унинг тўплами алоҳида шухратга эга бўлди. Мақомалар услубидаги жимжимадорлик асосий мақсад эмас. Ҳаририй учун сўз ўйини бош қаҳрамоннинг ўзига хошлиғи, у унчалик идеал бўлмаса-да, бироқ ўқувчиларнинг ҳамдардчилигини қозона олган инсон эканлигини кўрсатиш воситаларидан биридир. Ҳаририй мақомаларини ўз даврининг адабий меъёрлари ва қонунлари доирасида ижро этган ўрта аср муаллифининг асари сифатида қараш мумкин. Бироқ Ҳаририй классик араб адабиётида деярли биринчи бўлиб, мана шу ҳудудлар доирасидан ташқарига чиқади: унинг мақомаларига энг аввало бош қаҳрамон образида сезиладиган воқелик элементлари хошдир. Муаллиф бу характернинг кўпқирралилигини баён этишга эриша олди. Абу Зайд яхши ҳам эмас, ёмон ҳам эмас, у инсонийдир, унга яхшилик хусусиятлари ҳам, ёмонлик хусусиятлари ҳам хошдир. Бу билан Ҳаририй ижодида араб классик адабиётида биринчи бўлиб инсонга кўп қиррали шахс сифатида қизиқиш пайдо бўлди.

Иккинчи боб "Араб адабиётида сажъ шаклланиши ва Ҳаририй мақомаларида сажъ" деб аталиб, унинг биринчи қисмда араб бадий сўз санъатида сажъ шаклланиши масалаларига тўхталинади.

Араб филологиясида "сажъ" (ҳарфан: гугулаш ёки қуқулаш) истилоҳи насрий нутқнинг бўлакларга бўлинган, уларнинг охирига ўзаро қофияланувчи сўзлар қўйиладиган турини ифодалайди. Шу билан сажъни шартли равишда "қофияланган наср" деб аташ қабул қилинган.

"Сажъ" арабча истилоҳининг негизи исломгача ва ёзув пайдо бўлган даврга бориб тақалади. Араб-мусулмон анъанасида "қофияланган, бироқ вазн жиҳатдан тартибланмаган нутқ"<sup>1</sup> деган

<sup>1</sup> Шидфар Б.Я. Абу-ль-Али аль-Маарри. М., 1985, с. 89.

тушунчани ифодайдиган бу истилоҳ араблардаги ритмлаштирилган нутқнинг ўта қадимий намуналарини ҳам, тузилишига кўра улардан анча фарқ қилувчи X-XII аср ёзма адабиёт намуналари, шу жумладан, биринчи ўринда мақомаларни ўз ичига олади.

"Сажъ" истилоҳини "қофияли наср" ёки "қофияланган наср" деб таржима қилиш араблардаги тасаввурдан бирмунча фарқ қилади. Уларнинг тасаввурига кўра, бадий нутқ икки қисм - назм ва насрга эмас, балки уч қисм - шеър, наср ва сажъга бўлинади<sup>1</sup>.

Ўрта аср араб адабий танқидчилигининг сарчашмаларида турган адиблар - Ибн ал-Муътазз, Қудамма, Ибн Рашиқ сажъни араб поэтикасида категория сифатида ажратмайдилар, сажъ истилоҳи қофияланган ритмик параллелизм (издивож)нинг тури - тарсиъ деб аталмиш адабий услубни шарҳлашдагина қўлланилади. Истилоҳнинг шу аснода қўлланилиши "сажъ" айнан насрий нутқни тавсифлаш маъносида англашилиб, адабий танқидчилик назарияси томонидан назмий нутқни безатиш усуллари шарҳлашдагина ишлатилган.

Сажъ пайдо бўлиши, шаклланиши муаммоси олимлар томонидан у ёки бу даражада ўрганилган. И.Ю.Крачковский, А.Е.Кримский, Б.Я.Шидфар, И.М.Фильштинский, И.Гольдциер, Х.А.Р.Гибб ва бошқалар назм вужудга келиши тарихини айнан сажъ билан асосли равишда боғлайдилар. И.Гольдциер сажъни энг қадимий араб шеърий шакли деб эътироф этади. А.Е.Кримский арабларда энг оддий шеър шакли сажъдан соддагина вазн ражаз келиб чиққан деб тасдиқлайди. Қадимий даврда сажъ фолбинлар, башоратчилар, қоҳинлар сўзларида, расмий нутқларда, адабий мусобақаларда, бу ижодиёт турларининг ҳар бири ўз хусусиятига эга бўлса-да, уларни стилистик ва эмоционал безаш учун ишлатилган.

Кейинчалик қофияли наср нафақат расмий ёзишмалар, балки олий маълумотли шахслар ўртасидаги хусусий хатлар ҳамда рисолаларга ҳам хос услубга айланиб қолди, ал-Ҳамадоний ва Ҳаририй мақомалари туфайли эса араб бадий сўз санъатидаги асосий шакллардин бири бўлиб қолди.

Иккинчи бобнинг иккинчи қисмида Ҳаририй мақомаларидаги сажъ тузилиши принципларини, ритмик-синтактик тузилиши хусусиятларини, унинг функционал-стилистик мақомини белгилаш мақсадида уни классик араб шеърияси, энг қадимги нотқлик санъатининг баъзи шаклларидаги айрим ритмик хусусиятлар билан ўзаро боғлиқликда кўриб чиқилади.

<sup>1</sup> Фролов Д.В. К вопросу о становлении и эволюции арабского стиха. В кн. "Проблемы исторической поэтики литературы Востока". М., 1988. с. 243

Харирий мақомаларидаги сажъ текстларнинг ички ритмик тартибланганлиги энг аввало, маҳсуе тарзда ташкил этилган ритмик ва синтактик структуралар - ритмик-синтактик, лексико-морфологик ва бошқа параллелизм (издивож)ларнинг ўзаро ҳамоҳанглигида намоён бўлади ва амалга оширилади.

Ана шу параллелизмлар ва сажъ асосида риторик иборалар пайдо бўлади ва қофияли насрнинг функционал-стилистик мустақиллиги ва ўзига хослиги кўрсаткичларидан бири сифатида қофияли насрнинг эмоционал-экспрессив таъсирини кучайтиради ҳамда уни ўқувчи ва тингловчига таъсирчанроқ этиб, уларда эстетик завқ уйғотади.

Қофияли наср тузилишидаги муҳим роллардан бирини "ат-тажнъа" - "бўлақларга бўлиш", "сегментация" ўйнайди. Унинг моҳияти жумланинг бутун синтактик структурасини оҳанг билан бир-биридан ажралиб турувчи икки ва ундан ортиқ қисмларга атайлаб бўлиб юборишдан иборат.

Фосилалар ўзаро муносабатида қўлланилувчи яна бир асосий ибора "ат-тададд" - "қарши қўйиш", "антитеза". Бу услуб мақомалар бош қаҳрамони Абу Зайднинг у ёки бу мавзудаги нутқи ёки хутбасида қўлланилади. Унинг нутқлари ўз характерига кўра нотиклик маърузаларига жуда яқин бўлиб, қарши қўйиш услубини қўллашнинг муҳимлигини ал-Халил ибн Аҳмад таъкидлаб, нутқда икки турли нарсани қарама-қарши қўйишни маслаҳат берган эди.

Қофияланган наср ва назм муайян функционал ўхшашликлар ва фарқларга эга. Қофияли наср назмдан ритмик функцияларни бажариши бўйича фарқ қилади. Маълумки, насрдан фарқли ўларок, назм маълум вазнлар бўлишини талаб этади, бироқ ҳар иккисида ҳам ритм мавжуд. Шеърятдаги ритмик бўлақлар, қофияли насрдаги фосилалардан ажралиб туради. Қофияли насрдаги ритмлик, бизнинг фикримизча, жумлаларнинг синтактик тузилиши, ургуларнинг ташкил этилиши, фосилалардаги бўгинларнинг умумий сони ва ургули бўгинларнинг умумий сони, ургули ва ургусиз бўгинларнинг алмашинуви ҳамда паузаларнинг тақсимланиши билан яратилади.

Қофияли наср матнининг ритмиклигини тартиблашда маълум синтактик тузилишлар борлиги сабабли вужудга келган параллелизмлар муҳим рол ўйнайди. Қофияли наср, фикримизча, ритмик-синтактик параллелизмлар, такрорлашлар ва сажъ қофиялари туфайли вужудга келади, чунки охиргилар фосилалар ҳудудларининг кўрсаткичларидир.

Ритмик-синтактик параллелизмларнинг пайдо бўлиши биринчи навбатда синтактик бирликларга эга бўлган бу ё бошқа фикрнинг ўзаро нисбати ва араб тилидаги гап тузилишининг характерига таянади.

Қофияли наср матнини ташкил этишда икки ва ундан ортиқ гоёни ифодаловчи бир хил ёки бир-бирига яқин синтактик бирликларга эга бўлган, ритмик-синтактик параллелизмлар билан бир қаторда, параллелизмларнинг лексико-морфологик, тематико-психологик ва интонацион каби бошқа турлари ҳам иштирок этади.

Интонацион параллелизмлар бир неча фосилалар ёки жумлаларни ўқиш ёки талаффуз этиш орқали амалга оширилади, оҳангдаги бир хиллилик интонацион параллелизм ҳисобланади.

Муайян синтактик тузилишнинг ёки бир оҳангнинг мавжудлиги параллелизмларнинг синтактик характерини кўрсатади. Басра мақомасидан бир мисол келтирамиз:

بلدكم . اوفى البلاد طهيرة و ازكاها فطرة  
و افساها رقعة و امرعها نجعة و اقومها قبله  
و اوسعها دجلة و اكثرها نهرا و نخلة،

"Сизнинг шаҳрингиз - энг тоза, табиати - энг мусаффо, майдони-ю текисликлари - энг буюк, яйловлари - энг катта, қибласи - энг тўғри, Дажланинг эни - энг кенг, анҳорлари ва хурмозорлари - энг кўп."

Бу парчадаги ўзаро ритм ташкил этувчи ва қофияланувчи бўлақлар - "ва азка: ха: фитратан", "ва афса: ха: руқ атан", "ва амра уха: нудж атан", "ва авса уха: дажлатан" ва бошқалар лексик-морфологик параллелизмларни ташкил этиб, ўзларининг функционал мавқеларида бир-бирларига тўлиқ мос тушадилар, уларда қуйидаги ритмик расмда кўрсатилганидек, қисқа ва узун, ургули ва ургусиз бўғинларнинг алмашинуви ҳам тартибга солинган:

V V V X X XV - V XVX

VX - - XVX

VX - - XVX

VX V V - XVX

<sup>1</sup> مقامات الحریری 'مصر' بولاق 1878 'ص 628

Шу мақомадан бошқа бир парча келтирамиз.

ذو المشاهد المشهودة و المساجد المقصودة  
و المعالم المشهورة و المقابر المزورة  
و الآثار المحمودة و الخطط المحدودة<sup>1</sup>

Бу текстда барча бўлақлар бир-бири билан мос тушиб лексико-морфологик параллелизмларни ташкил этади. Уларда таянч ундошлар "дд рр дд"дан ташқари аниқ тартибга солинган товуш муҳим роль ўйнайди ва лексико-морфологик параллелизмлар ҳикоя этишнинг эмоционал ифодалилигини кучайтиради.

Мақомалар қофияли насридаги параллелизм асосларини турлитуман синтактик тузилмалар ташкил этиши мумкин:

- а) феълий жумлалар,
- б) феъл буйруқ майлида ҳамда тўлдирувчи билан бўлиши мумкин,
- в) генетив конструкция (изофа),
- г) атрибутив конструкция,
- д) бир жуфт уюшиқ бўлақлар,
- з) исмий жумла,
- е) исмий жумла (кўмакчили бирикма кесим сифатида),
- ж) исмий жумла орттирма даражанинг васф шаклидаги аниқловчили кесим билан келиши мумкин.

Сажъ бўлақлари - фосилалар араб морфологияси имкониятларидан келиб чиқиб, бир хил ёки бир-бирига яқин қолипларда ясалган сўзлар бир турдаги ва бир тизимдаги гап бўлақлари қаторини ташкил этади. Синтактик параллелизмни ташкил этувчи бундай сўзларнинг морфологик бир турлилиги эса қофияланаётган сажъ бўлақларини ташқи жиҳатдан - узунлиги бўйича ҳам, ички жиҳатдан - қолиплари бўйича ҳам бир-бири билан тенглаштиради.

Сажъ фосилаларининг у ёки бу даражада тенглаштирилганининг кўрсаткичи ёки ўлчови сифатида сўзни қабул қиламиз. Чунки синтактик параллелизм ҳам тенг сўзликдан келиб чиққан.

Ҳаририй мақомаларида, уч сўзли сажъ билан бир қаторда араб адабиётида жуда кам учрайдиган тўрт сўзли сажъга ҳам талай мисоллар келтиришимиз мумкин.

<sup>1</sup> مقامات الحریری ص 629

الكرم ثبت الله جيشك يزين

و اللوم غض الدهر جفنك يثين

"Олийжаноблик - Оллоҳ сенинг галабаларинг қўшинини мустаҳкам қилсин - безайди, пасткашлик - Тақдир сенинг ҳасадгўйинг кўзини кўр қилсин - бадном этади."

Араб адабиёти намуналарида умуман учрамаган олти сўзли тўлиқ параллелизмни ташкил этувчи сажъга намуна фақатгина Ҳаририй мақомаларига хосдир.

Учинчи боб "Мақомалар услуби ва улардаги иқтисоблар" деб номланади. Унинг биринчи қисмида мақомаларнинг бадиий-услубий хусусиятлари таҳлил этилади.

Ҳаририй ўз қаҳрамонининг бадиий сўз устаси, абжир, кувноқ, айёрлигидан ташқари шеърятда ҳам кучли эканлигини кўрсатиш учун унинг нутқларига шеърин мисралар киритади ва ҳатто араб адабий танқидчилигида чиройли ташбиҳ намуналари деб тан олинган Абу Убода ал-Валид ибн Убайд ал-Бухтурий (820-897) ва ҳалаблик сарой шоири Абу-л-Фараж ал-Вова Дамашқий (в. 980 й.)нинг байтларига Абу Зайд номидан битилган шеърларини қарши қўйишга журъат этади.

Албатта, тўрт ташбиҳли намуна билан таниш бўлган ал-Вова Дамашқий бир байтда беш метафорани баён этганини назарда тутсак, ҳамда ал-Аскарин мазкур байт ҳақида гапириб, "шоир бир байтда беш нарсани бошқа беш нарса билан қиёслади, мен ўзга шоирлар шеърларида бошқа бундай байтни билмайман"<sup>1</sup>, деганини эътиборга олсак, Ҳаририй ўз олдида қандай мураккаб вазифа қўйгани аён бўлади:

سالتها حين زارت نضو برقعها ال

قاني و ايضا ع سمعي اطيب الخبر

فحزحت شققا غشى سنا قمر

و ساقطت لؤلوا من خاتم عطر

"У келганда қип-қизил ёпинчигини ечишини сўрадим ва яхши хабар эшитишни кутдим.

العسكري، كتاب الصنائع، الكتابية والشعر، القاهرة، 1940، ص 240.

У ой нуруни тўсган шафақни сурди-да,  
атиргул япрогидан маржонлар тўкди".

Бу байтда қиёсланаётган нарсалар: ой - юз, чеҳра; нур - чирой;  
шафақ - ёпингич, рўмол; атиргул япроги - огиз; маржонлар - сўзлар.

Бу ерда Абу Зайд яна бошқа бир байт ўқийди:

اقبلت يوم جد البين في حلل

سود تعض بنان النادم الحصر

فلاح ليل على صبح اقلها

غصن و ضرست البلور بالدرر

"Айрилиқ ҳақиқатга айланганда, у қора кийимда келди.

Йигидан гапиролмай бармоқларини тишларди.

Кунни қора тун ўз огушига оларкан, шоҳча

у иккиси (кун ва тун)ни кўтариб, дурлар

билан биллурни қамаштирарди".

Ҳаририй бир байтда беш нарсани муқояса қилади: кун - юз, чеҳра;  
қора тун - соч; шоҳча - қомат; дурлар - тишлар; биллур - бармоқ.

Ҳаририй мақомаларининг насрий қисмида ҳам истиоралар  
қўлланилиши кенг ўрин олган. Тўпламдаги биринчи Сана мақомаси  
қуйидагича бошланади.

لما اقتعدت غارت الاغتراب و اناتنى

المتربة عن الاتراب طوحت بي طوايح الزمن

الى صنعاء اليمن

"Мен гариблик тулпорига минганимда ва фақирлик дўстларимдан  
узоқлаштирганда, замон оқими мени Йаман Санасига олиб кетди." (10-  
бет). Бу ерда "гариблик тулпорига минмоқ" дейилганда "ватандан узоқ  
кетмоқ", "сафарга чиқмоқ" назарда тутилади.

Динор ҳақида мақомада:

مقامات الحريري ص 34

## اودى الناطق و الصامت

"Нотик ҳам, сомит ҳам нобуд бўлди" (27-бет) дейилганда "нотик" (гапирадиган, маърайдиган) сўзи орқали кўй-мол, "сомит" (гапирмайдиган, сукут сақловчи) деб, олтин, кумуш назарда тугилади.

Қатор мақомаларда "курук кўл" деб "бахиллик"ни, "узум қизи" деб "шароб", "май"ни, "сарик, суюкли" деб "динор", "тилла танга"ни ифодаланади.

Шунингдек, мақомаларда муайян гуруҳларнинг тили - жаргонда қўлланиладиган иборалар ҳам ишлатилган. Масалан, Рамлиа, Нисибин, Ҳарамия мақомаларида "Абу Мурра" (аччиқлик отаси, қийинчилик, оғирлик отаси) деб "иблис", "Абу Мунзир" (огоҳлантирувчининг отаси, хабар берувчининг отаси) деб "хўроз" "Абу Жомий" (йигилиш отаси, ўтириш отаси) деб "ноз-неъмат тўла дастурхон", "Абу Жамил" (гўзаллик отаси, (овқатларни) безатиш отаси) деб "кўкатлар" назарда тугилади.

Мақомалар бадий хусусиятининг яна бир жиҳати уларда киноя ва ишораларнинг кенг қўлланилиши билан боғлиқ. Бош қаҳрамон Маарра мақомасида "муқаддас шаҳарлар тошлари билан қасам ичаман" деганда, у "муқаддас шаҳарлар" деб Макка ва Мадинани, Магриб мақомасида "Мени тўғри йўлга бошлаганнинг номи билан қасам ичаман" деганда ёки Синжар мақомасида "ўликларни қабрдан турғизувчи" деганда Оллоҳни, ёки Басра мақомасида "барча замонлар доноси" деганда "Айям ал-Араб" нинг тўпловчиси ва муҳаррири, машҳур филолог Абу Убайдани (778-875) "грамматика асосларини яратган" деганда Абу-л Асвад ад-Дуалийни (в. 688 й.) ёки "шеърларнинг вазнларини аниқлаган" деганда - ал-Халил Аҳмадни назарда тутди. Шу билан бир қаторда халқ ўртасида мақол ва маталлар орқали яхши таниш бўлган тарихий ёки ярим тарихий, ярим афсонавий шахсларга ҳам қатор ишоралар мавжуд.

Сажъ тузилишининг энг асосий ва муҳим элементларидан бири, шубҳасизки, қофиядир.

У ёки бу мақомада мавжуд бўлган мустақил маънога эга бўлган сўзларнинг умумий сонига нисбатан қофияланувчи сўзлар нисбатини аниқлаш мақсадида ана шу мустақил маъноли сўзларни, мақомалардаги сўзлар таркибини маълум даражада статистик таҳлил қилиб чиқдик.

Сана мақомасидаги сўзларнинг қофияланганлик даражаси 56,9 фоизни ташкил этади, 443 сўздан 242 таси ўзаро қофияланади.

Қофияланганликнинг энг қуйи даражаси Куфа мақомасида бўлиб, у 36,4 фоизни ташкил этади, энг юқори даражаси эса Рамлия мақомасида - 65,7 фоиз.

Ҳулвон, Димят, Динор ҳақида, Барқанд, Маарра, Искандария, Раҳбия, Бағдод, Макка, Фақх, Мағриб, Рай, Қажқария ва Басра мақомаларида бу кўрсаткич 40 фоиздан 48,9 фоизгача бўлса, Сава, Дамашқ, Тиннис ва Мароғ мақомаларидаги сўзларнинг аксарияти, тўғрироғи, ярмидан кўпроғи ўзаро қофияланади.

Ҳулвон мақомаси матнида 153 фосила бўлиб, ундан 18таси шеърӣ мисралар, қолган 135 фосила эса қофияланган бўлақлар, демак, матннинг насрий қисмида 135 та қофияланган сўз бор, шу жумладан, 71та сўз ёки 54,8 фоиз сажъ мутавозий шаклида, 64 сўз ёки 45,2 фоиз сажъ мутарраф шаклида қофияланган.

Ҳаририй мақомаларида ташқи қофия - фосилалар ниҳоясидаги сўзларнинг қофияланиши билан бир қаторда ички қофия - фосилаларнинг охиридан битта олдинги сўзларнинг ана шундай мавқедаги сўзлар билан қофияланиб келиш алуоби ҳам кенг қўлланилган. Масалан, Ҳулвон мақомасида:

يَتَقَلَّبُ فِي قَوَالِيْبِ الْاِنْتِسَابِ  
وَ يَخْبِطُ فِي اسَالِيْبِ الْاِكْتِسَابِ

Ушбу қофияланувчи бўлақлардаги **الانتساب** ва **الاكتساب** сўзлари ташқи қофия бўлса, **قو اليب** ва **اساليب** сўзлари эса охиридан битта олдинги мавқеда жойлашган бўлиб, ички қофиядир.

رَايَتُ تَلْهَبُ جَذْوَتَهُ وَ تَالِقُ جَلْوَتَهُ

Бу ерда **تلهب** ва **تالق** ташқи қофия, **جذوته** ва **جلوته** эса ички қофиядир. Шундай қилиб, Ҳулвон мақомасидаги мустақил маъно англатувчи 410 сўздан ўзаро 200таси қофияланиб келади ва қофияланган сўзлар умумий сўзлар сонига нисбатан 48,9 фоизни ташкил қилади. Қофияланган сўзларнинг 105таси ёки 52,5 фоизи **او ام** ва **انام**, **طلب** ва **ادب**, **القمانم** ва **العمانم** каби шакллардаги сажъ мутавозий бўлиб, 87та сўз **اقتباس** ва **امتحان** каби шаклларда бўлган сажъ мутаррафдир, бу 43,5 фоизни ташкил этади.

Ташқи қофияларда сажънинг фақат икки шакли - сажъ мутавозий ва сажъ мутарраф қўлланилган бўлса, ички қофияларда эса сажънинг учинчи - "мутавозин" - "вазнга солинган", "тенглаштирилган" шаклига мансуб бўлган *حصان* ва *نفانس*, *رکاب* ва *معان* каби сўзлар ҳам учрайди. Бироқ бундай сўзлар кўп бўлмай, ҳаммаси бўлиб 87та сўз шу шаклда қофияланган, бу эса барча қофияланувчи сўзларнинг 4 фоизинигина ташкил этади.

Мақомалар услубидаги, уларнинг қофияланишидаги фарқланиш ёки айнан бир мақоманинг айрим қисмлари усулидаги фарқланиш мақомалар тузилишидаги мутаносибликнинг бузилиши ёки риоя қилинмаслиги деган маънони англатмайди. Ҳар бир мақома ўз мазмунига кўра таркибида ҳар турли элементларни мужассамлаштиради ва уларнинг ҳар бири ўз услуби ва ўз нутқ даражасига эга.

Шундай экан, энг "олий" услуб, энг таъсирли иборалар мақомалар бош қаҳрамони - Абу Зайд нутқида хос бўлиб, унинг бу "олий" услуби ёки "олий" даражаси бир кимсани ёхуд нарсани мадҳ этаётганда ёки бўлмаса ваъз, марсия ўқиётганда, ёки бирон мавзуда панд-насиҳат қилаётганда намоён бўлади.

Шу боис унинг нутқларидаги қофияланиш даражаси ҳам юқори бўлиб, Динор ҳақидаги мақомада - 69 фоиз, Ҳулвон мақомасида - 72,2 фоиз, Багдод мақомасида - 72,9 фоиз, Сана мақомасида 78,2 фоизни ташкил этади.

Юқорида баён этилганлар Ҳаририй мақомалари юқори даражада қофияланганлиги билан ажралиб туришидан далолат беради. Сўзларнинг қўлланилиши жиҳатидан эса Ҳаририй мақомалари ўз замонасининг бирон-бир маънонинг турли-туман ва нозик жиҳатларини баён этиш учун зарур бўлган ҳар бир сўзни синчиклаб танлаш ва сўз олдида сажда қилиш хос бўлган араб-мусулмон маданияти гуллаб-яшнаган даврнинг самарасидир.

Учинчи бобнинг иккинчи қисмида Ҳаририй мақомаларида Қуръоний иқтибосларнинг қўлланилиши кўриб чиқилади.

Маълумки, Қуръон барча ўрта аср араб ва мусулмон дунёсидаги бошқа халқларнинг адабиётига катта таъсир кўрсатди. Нафақат диний мазмундаги адабиётлар ва мусулмон қонунчилиги бўйича трактатлар ислом руҳини акс эттириб ва қуръоний иқтибослар билан бойитилиб

қолмай, балки ўрта аср бадий сўз санъатининг бошқа асарларида ҳам бундай таъсир кузатилади.

Ҳаририйнинг кўплаб мақомаларида Қуръондан иқтибослар: Қуръон оятларидан кўчирма келтириш, қуръоний ибораларни ўзгартириб ифодалаш ва Қуръондаги образларга ишора ва киноя қилиш билан бир қаторда бу асар қаҳрамонларининг у ёки бу сифати ва белгисини характерлаш учун Қуръондаги образлардан фойдаланилган.

Тўпламни ташкил этувчи 50 мақомадан 26 тасида 35 ҳолатда қуръоний иқтибослар мавжуд. 18 мақомада Қуръондаги у ёки бу образга ишора қилинган, 5 мақомада Қуръон оятлари ўзлаштирма ибора билан келтирилади.

Ҳаририй Қуръон оятларидан иқтибос келтириш ва уларга киноя ва ишора қилиш билан бир қаторда яна бир ҳолат - нодир сўз ясаш шакли билан янги сўзлар ясашни ўзлаштирган. Қуръоннинг Ҳумаза 104-сурасида "فَعَلَةٌ" шаклида ясалган сўзлар бор. Булар (هُمَزَةٌ), (حَطْمَةٌ لَمَزَةٌ) бўлиб, араб тилида жуда кам учрайдиган сўзлардир. Мазкур шаклда ясалган кам тарқалган бундай сўзлар Искандария мақомасида ишлатилган:

فَعْدَةٌ - дангаса, танбал, جِثْمَةٌ - лапашанг, ландовур, ضَجْعَةٌ - бемажол, нимжон, خَدَّعَةٌ - ёлгончи, алдоқчи, نَوْمَةٌ - уйқучи.

Ҳаририй мақомаларидаги Қуръондан келтирилган иқтибослар, улар хоҳ бевосита кўчирма, ёки Қуръон оятларини ўзлаштирма ибора, ёхуд Қуръон образларига ишора тарзида бўлсин мақомалар бош қаҳрамони Абу Зайднинг у ёки бу қилмишини оқлаш мақсадида қўлланилган, унинг халқ олдида хутбаси, маърузасининг хулоса-исботидир, муаллифнинг бош қаҳрамон ёки ровий тилидан баён этган фикрини мустаҳкамлайди, шунингдек, асосий образларнинг у ёки бу белгиси, сифати ва характерини ҳамда моҳиятини янада тўлиқроқ очишга ёрдам беради.

Диссертациянинг хулоса қисмида, тадқиқот натажасида юзага келган фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

1. Ўрта аср араб адабиётидаги "мақома" жанри Ҳаририй ижодида ўзининг энг юқори чўққисига етди ва мукамал жанр сифатида шаклланди.

2. Мақомаларнинг мавзу доираси дастлаб чегараланган, яъни қабилалар ўртасидаги тўқнашувлар ва қаҳрамонларнинг жасоратлари ҳақида эди. Кейинчалик, араблар бошқа халқларнинг маданий

ютуқлари билан кенгроқ танишиши натижасида мақома жанрининг мавзуи ҳам кенгая борди.

Ҳаририй мақомаларини мазмунига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи - шумлик мавзусидаги мақомалар, иккинчи гуруҳ эса - соф-риторик мақомалардир.

3. Ҳаририй мақомалари иккита персонажнинг доимий иштироки билан характерланади. Биринчиси сайёҳ, ровий ал-Ҳорис ибн Ҳаммомдир. Иккинчиси эса, ҳикояларнинг асосий қаҳрамони Абу Зайд ас-Саружийдир. Абу Зайд бир томонидан қув, айёр, андишасиз бўлса, иккинчи томондан араб шеърятнинг билимдони, сўзга чечак, ўзининг нафис, гўзал иборалар қўлланган гаплари билан ҳар қандай кишини мафтун эта оладиган, қобилиятли шахс образидир.

4. Мақомалар юксак бадиий услуб ва нафис безатилган тилга эга. Уларга нотиклик санъатининг энг гўзал намунаси сифатида қараш мумкин. Араб тилининг гўзаллиги, синонимларга бойлиги ва сўз ўйинларидан максимал фойдаланган Ҳаририй ўз мақомаларида Қуръон оятлари, ҳадислар, мақол, маталлар ва шеърларни қаҳрамонлар характерини очиб беришда, моҳирона ишлатган.

5. Мақомалар сажънинг олий даражасидаги намунасидир. Сажъ мақомаларнинг мажбурий унсури бўлибгина қолмай, ўзининг ривожланиш нуқтасига ҳам улар туфайли кўтарилди. Мақомалардаги сажънинг асосий хусусиятларидан бири унинг ритмик-синтактик тузилишга эгалидир.

6. Ҳаририй мақомаларидаги сажъ турли хил параллелизмлар ҳамоҳанглигида намоён бўлади. Ана шу параллелизмлар асосида риторик иборалар вужудга келади ва сажънинг таъсирчанлигини кўчайтириб, ўқувчида ҳам, тингловчида ҳам завқ уйғотади.

7. Сажъ бўлаклари - фосилалари одатда икки ёки уч сўздан иборат бўлса, биз Ҳаририй мақомаларида араб адабиётида кам учрайдиган тўрт сўзли фосилани ҳам кўп учратамиз. Араб адабиётида умуман учрамайдиган беш ёки олти сўзли сажъ бўлагини ҳам фақат Ҳаририй мақомаларида кўраамиз.

8. Сажъ фосилаларининг асосини мақомаларда асосан феълий жумлалар, генетив конструкция ёки изофа бирикмаси, атрибутив конструкция, мослашган аниқловчили аниқланмиш бирикмаси турли кўринишлари билан ҳамда бир турли жуфт-уюшиқ бўлаklar ва бошқалар ташкил этиши мумкин.

Юқорида баён этилганлар Ҳаририй мақомаларининг араб адабиётида қофияли насрнинг тенги йўқ намунаси эканлигини кўрсатади.

Диссертациянинг асосий мазмуни рус ва ўзбек тилларида нашр этилган қуйидаги илмий мақолаларда акс эттирилган:

1. Некоторые аспекты истории изучения макама Харири. Четвертая всесоюзная школа востоковедов. Тезисы. Том 11. Литературоведение. - М., 1986. - С.50-51.

2. К вопросу исследования ритмико-синтаксической организации рифмованной прозы. Пятая всесоюзная школа молодых востоковедов. Тезисы. Том 1. История. Литературоведение. - М., 1989. - С.160-161.

3. Некоторые аспекты построения рифмованной прозы в макамах Харири. Литература и культура народов Востока. - М., "Наука", 1990. - С.218-226.

4. Харирий мақомалари. "Шарқ юлдузи". 1990 йил 10-сон. - Тошкент, - 179-184-бетлар.

5. Коранические цитаты в макамах Харири. Востоковедение (Литературоведение). Сборник научных трудов. Ташкентский государственный институт востоковедения. - Ташкент. 1992. №5 - С.46-50.

**М.Г.САЙДУМАРОВ**

**"МАКАМЫ ХАРИРИ КАК ПАМЯТНИК  
СРЕДНЕВЕКОВОЙ АРАБСКОЙ РИФМОВАННОЙ ПРОЗЫ"**

**РЕЗЮМЕ**

Настоящая диссертация посвящена исследованию макама Абу Мухаммада аль-Касима аль-Харири (1054-1122) как памятника классического образца арабской художественной словесности, написанного рифмованной прозой, которая стала одной из основных форм в арабской литературе на рубеже X-XII вв.

Диссертация состоит из введения, трех глав, заключения, библиографии и приложения.

Во введении обосновываются актуальность и новизна исследования, научная и практическая значимость, цели и задачи исследования, подробно изложена история изучения проблемы.

В первой главе - "О жанре макама и макамах Харири" - анализируются жанрово-стилистические особенности макама, как характерного произведения "городского" периода развития арабской художественной словесности средневековья, вопросы сюжетов и композиции, темы и герои макама Харири. Раскрывается образ главных героев Абу Зайда ас-Саруджи и аль-Хариса ибн Хаммама.

Во второй главе рассматриваются и анализируются вопросы формирования и становления саджа - рифмованной прозы в арабской литературе и исследуются его особенности в макамах Харири. Рифмованная проза была известна арабам с древнейших времен, она использовалась в речах кахинов, жрецов-прорицателей. В дальнейшем она употреблялась в ораторском искусстве и эпистолярном жанре. В макамах Харири ритмически упорядоченность текстов рифмованной прозы осуществляется на основе ритмико-синтаксических структур - лексико-морфологических, интонационных и др. параллелизмов. Основы параллелизма в садже образуются на основе разнообразных синтаксических конструкций - глагольных и именных предложений, генетивных и атрибутивных конструкций и т.д.

В третьей главе излагается анализ художественно-стилистических особенностей макама, применение метафор, иносказаний, таджниса и др. литературных фигур в поэтической и прозаической частях произведения, а также уровень рифмованности в макамах, в речах главного героя и других персонажей, вопросы внешней и внутренней рифм. Также анализируется употребление коранических цитат и реминисценции в ткани повествования.

Результаты исследования обобщены в заключительной части. К работе прилагается перевод отдельных макама на узбекский язык с филологическими комментариями, сведения об исторических и легендарных лицах, упомянутых в макамах Харири и таблица коранических цитат.

**M.G.Saidumarov**

## **Khariri's macams as the memorial of the medieval Arabic rhymed prose**

### **Summary**

The present thesis is devoted to the research of Abu Mohammed al-Kosim al-Khariri's macams (1054-1122) as the memorial of classical sample of Arabic literature work of art, written in rhymed prose which had become one of the basic forms of Arabic literature in the X-XIIIth centuries.

The thesis consists of the introduction, three chapters, a reference, bibliography and conclusion.

In the introduction the actuality and novelty of the research a scientific and a practical significance, the aims of the research are justified and the history of studying this problems is also narrated.

In the first chapter "Genre of macams and Khariri's macams" as an "urban" period of developing the Arabic literature work of art in the Middle Ages, the problems of the plot and composition, topics and heroes in Khariri's macams are analysed.

The image of heroes Abu Zaid as-Sarugi and al-Kharis Khammam is being revealed.

In the second chapter the problems of the formation and development of sadge as the rhymed prose in Arabic literature are delt with and analysed and its peculiarities in Khariri's macams are investigated. The Arabs knew the rhymed prose from ancient time was used in Kahinovs' and priest - prophests speeshes. Later on it was used in oratory and epistolary genre. In Khariri's macams rhythmic sequence of rhymed prose texts is based on rhythmic syntactical structures - lexical - morphological intonation and other parallelisms. Parallelism in sagde is based on various syntactical structures - verbal and nominative sentences, possessive and and attributive structures etc.

The third chapter analyses feature - stylistic peculiarities of macams, the usage of metaphors, fabolousness, tagnis and etc., literature figures in poetic and prosaic parts of the work of art as well as the rhythmic level in macams in the speeches of the main hero and mainor characters and problems of the exterior and inferior rhymes. The use of Quran citation and reminiscence in the basic of noration.

The results of the investigation are generalized in Conclusion. The translation of some macams into Uzbek supplied by philological comments in formation, about historical and outstanding persons mentioned in Khariri's macams, and the table of Quranic citations are enclosed to this paper.

